Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 102 (6. 293) 1987 йил 4 май, душанба Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 30 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик якунларини кўриб чиқди. 159 миллион киши қатнашган коммунистик шанбалик совет қишиларининг сиёсий ва меҳнат активлиги, уларнинг XXVII съезд ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорларини рўёбга чиқаришга, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган ижодий кўтаринки руҳдаги ғайратлари ошганлигининг ёрқин далили бўлди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олиб, шанбаликда ишлаб топилган маблағларни медицина муассасаларини реконструкциялашга ва техника билан қайта жиҳозлашга сарфлашга қарор қилдилар.

Сиёсий бюро мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштириш давлат системасини ҳамда моддий-техника таъминоти системасини халқ хўжалигини бошқаришнинг иқтисодий методларига ўтишдан келиб чиқадиган янги талабларга мослаштириш мақсадида уларни қайта қуришнинг асосий йўналишлари хусусида ҳукумат ишлаб чиққан таклифларни муҳокама қилди.

Муҳокама чоғида яхлит халқ хўжалиги комплекси сифатида экономикани планли бошқариш социализмнинг энг муҳим ғалабаси ва афзаллиги, партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаси эканлиги таъкидланди. Планлаштиришнинг янги системаси иқтисодий методларга таяниб, халқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириши, давлат корхонаси (бирлашма) тўғрисидаги янги Қонун лойиҳаси асосида бошқаришни демократлаштиришни, корхоналар (бирлашмалар)нинг хўжалик жиҳатдан мустақиллигини кенгайтиришни ва масъулиятини кучайтиришни, юксак пировард натижаларга эришишда меҳнат коллективларига кенг ташаббус беришни таъминлаши керак. Ошкораликни кенгайтириш, катта халқ хўжалиги, фан-техника ва экология проблемалари кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилишини практикага жорий этиш белгиланмоқда.

Планлаштиришнинг форма ва методларини тубдан ўзгартириш, уни норматив асосига ва давлат буюртмаси системасига ўтказиш, министрликлар ва корхоналарни майда-чуйда ишларгача васийлик қилиш ҳамда корхоналар ишини батафсил регламентга солиб қўйишдан халос этиш кўзда тутилмоқда.

Ресурслардан самарали фойдаланишга, моддий-техника таъминотининг барқарорлиги ва пухталигини оширишга ёрдам берадиган улгуржи савдо ҳамда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида бевосита алоқага эга бўлган тез ҳаракат қилувчи умумдавлат системасини вужудга келтиришга қаратилган халқ хўжалиги моддий-техника таъминотини ташкил этишнинг форма ва методларини такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

СССР Госплани ва СССР Госснаби структурасини янги вазифаларга мувофиқ такомиллаштириш, улар ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатларни, шунингдек, уларнинг фаолиятини СССР Министрлар Советининг доимий органлари, министрликлар ва идоралар билан мувофиқлаштиришни кучайтириш кўзда тутилади.

Мамлакатда фан-техника тараққиётини бошқаришда СССР Фан ва техника давлат комитетининг ролини ошириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Тўпланган фан-техника потенциалидан янада тўлароқ фойдаланиш, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини кучайтириш, академия, олий ўқув юрти ва тармоқлар фани баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Комитетнинг фаолиятини такомиллаштириш, фан ва техникани ривожлантириш йўлларини белгилашда прогноз қилиш ва аналитик ишларни кучайтириш, фан-техника тараққиётини бошқаришнинг хўжалик механизмини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик институтлари ва ташкилотларини тўла хўжалик ҳисобига, ўз ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш тадбирлари муҳокама қилинди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000-йилгача фан-техника тараққиёти Комплекс программасини амалга ошириш масалаларининг алоҳида муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ҳамда бошқа совет раҳбарларининг Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳ. Асад билан суҳбатлари якунларини маъқуллади. Ишончи ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг Совет—Сурия ҳар томонлама ҳамкорлиги йўлининг ўзгармаслигини тасдиқлади, 1980 йилги Шартнома асосида Совет Иттифоқи билан Сурия ўртасидаги қалин дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш учун янги қулай истиқболлар очиб берди. Халқаро проблемаларнинг кенг доираси, шу жумладан, Яқин Шарқ проблемалари хусусида қарашларнинг муштараклиги мамнуният билан таъкидланди. Империалистик доиралар ва уларнинг иттифоқчилари Яқин Шарқ мамлакатлари ва халқларига тиқиштираётган кескинлик ҳамда муҳолифлик мантиқини бартараф этишни, можароларни тугатиш, халқаро конференцияни амалда тайёрлашда бурилишга эришиш зарурлигини ҳар икки томон тушунаётганлиги принципиал жиҳатдан ғоят муҳим, деб баҳоланди.

М. С. Горбачев ва Н. И. Рижковнинг расмий дўстлик визити билан СССРга келган БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Атанасов билан музокаралари натижалари маъқулланди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бевосита алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда Совет—Болгария қўшма корхоналари ва бирлашмалари барпо этиш юзасидан қилинган ишларни ижобий баҳолаб, СССР билан Болгария ўртасидаги интеграция жараёни жўшқинлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган конкрет топшириқлар берди.

М. С. Горбачевнинг Люксембург Компартиясининг Раиси Р. Урбани билан учрашуви якунлари кўриб чиқилди. Учрашув турли мамлакатлар коммунистлари ўртасидаги ўртоқларча муносабатлар муҳимлигини ва ўз миллий вазифаларини ҳал этиш ҳамда барча халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатлари йўлида халқаро муносабатларни қайта қуриш учун курашда муваффақиятга эришиш мақсадида умумий идеалларга содиқлик асосида уларнинг ҳамжиҳатлиги муҳимлигини тасдиқлади.

Е. К. Лигачевнинг Венгрия Халқ Республикасига амалий визити якунлари муҳокама қилинди. Венгрия раҳбарлари билан суҳбатлар, партия ва хўжалик активлари билан ўтказилган учрашувлар экономика ва фан-техника интеграциясини чуқурлаштиришнинг, идеология соҳасидаги баҳамжиҳат ҳаракатларни кучайтиришнинг партиялараро алоқаларни такомиллаштириш ҳамда Совет — Венгрия ҳамкорлигини олға силжитишга ёрдам берадиган тўпланган тажрибани биргаликда ўрганишни активлаштиришнинг янги имкониятларини аниқлашга кўмаклашгани таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида ички ва ташқи сиёсатнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Замондошимиз



Сирли олам билимдони

Мамажон Муҳиддинов. Уни республикамиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган спорт мухлисларининг ҳаммаси танийди. Бири устозим деса, иккинчиси газетада эълон қилинган топшириғидан завқланиб, шу киши билан бир партия шахмат суришни юрагига тугиб қўяди. Учинчиси танқидли мастерлар ўртасида ўйналган ҳазжонли партияни барчага тушунарли услубда таҳлил қилишни ўрганади. Тўртинчиси энг қадимий донишмандлар ўйинининг билимдони сифатида маслаҳат сўрайди. Ҳамиша иши тиғиз журналистлар эса зудлик билан номерга материал тайёрлаб беришни илтимос қилишади.

— Ваъда беролмайман, лекин уриниб кўраман.

Топшириқ мураккаб. Тошкент ва Олмаота шаҳар «Оқшом» газеталарининг ўқувчилари ўртасида сиртқи шахмат матчи ташкил қилиш, демак Низом ишлаб чиқиб, ўйин тартибини белгилаш, ҳакамларни тайинлаш лозим. Ўрта Осиё шахмат тарихида бундай беллашув ҳали ўтказилмаган. Ҳамма нарсани янгидан бошлаш керак. Икки кеча мижоз қоқмадик. Ёзди, чизди, уринди. Ҳорган ҳолда редакцияга кириб келдик. Ҳужжатларнинг стол устига қўйдик.

— Газета саҳифасида шахмат клуби ташкил қилишни режалаштирямиз. Ўзингиз бошқош бўлсангиз деган ниятда эдик.

— Ваъда беролмайман, лекин уриниб кўраман.

Уриниш, изланиш, яратиш, топиш. Ҳаётнинг мазмуни ана шу тўрт даъватдан ташкил топган. Холис айтганда, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб спорт мастери унвонини олишига, тарих фанлари кандидати бўлишига ана шу даъватлар сабаб. Буларга тўрт марта Тошкент шаҳри, тўрт марта республика чемпиони бўлганлигини қўшимча қилиш керак. Қатъий, одил хулоса чиқариш, сеҳрли шахмат оламига тетапоя одим босаётган пионерни қўлидан тутиб олға бошлашни бағри кенглик, саховат маҳсули. Дарҳақиқат, бундан йигирма йил олдин ўн икки ёшли шогирди ҳақида «Пухта ўйлайди. Рақибининг гоясини аниқ англайди. Энг мушкул дақиқаларда ҳам ўзини йўқотмайди. Ундан гроссмейстер чиқса ажаб эмас», деб ёзган эди. Башорати тасдиқланди. Шогирди — Георгий Аъзамов Ўрта Осиёда биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритди. «Жуда ақлли одам. Ундан бир умр қарздорман» деди Георгий Мамажон ака ҳақида гап бошлаганида.

Газета, журналларга кўп ва соз ёзади. Бокси, сеҳрли олам сирларини пишиқ-пухта ўрганган. Шахматга онд 20 та китоб битган. Уларда ўлкамизда, Ўрта Осиёда спортнинг шу турининг оммалашиш, ривожланиш тарихи очиб берилган. Унинг ташаббуси билан Осиё мамлакатлари халқаро турнири, хат ва ёзишмалар бўйича республика чемпионати ўтказилган. Ҳар йили Азимддин Хўжаев хотира совғини учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнирини ташкил этишда ҳам кўп тер тўккан. Шахмат бўйича халқаро арбитр унвонига ҳам республикамизда биринчи бўлиб Мамажон ака муяссар бўлди.

Уриниш, изланиш туфайли кўп нарсани уддапади. Аммо асло хотиржамликка берилмайди. Шахмат ўйинини ўрганишни ўрта мактабдан бошласа бўлмасмикин? Бунинг йўлини топиш керак. Ҳозир шу масалани ҳал қилиш устида бош қотирмоқда.

М. ОТАХОНОВ,

СУРАТДА: СССР спорт мастери, шахмат бўйича халқаро арбитр Мамажон Муҳиддинов.

А. Зуфаров фотоси.

ШОНЛИ АНЪАНАЛАР

Газетанинг шу сонига репортаж

Кеча Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида матбуот ходимларининг байрами — Матбуот куни нишонланди. Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилишни очди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ш. З. Камолхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири Д. Т. Мадикаримова, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси С. Ш. Қурбонов иштирок этдилар.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленеси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ахборот агентлигининг директори Н. Е. Ғоипов Матбуот куни тўғрисида доклад қилди.





... Май ойининг дастлабки якшанбаларидан бирида журналистлар ва матбаачилар ўзларининг касб байрамларига тошкентликларни таклиф этишлари яхши анъаналардан бирига айланиб қолди. Хўш, бу галги байрам қандай ўтди? Дастлабки дақиқаларданоқ қизғин суҳбатлар ва танишувлар бошланди. Байрамга ташриф буюрган кишилар стендлар олдига тўпландилар, бу ерда чиқарилган деворий газеталарнинг махсус сонлари билан қизиқиб танишдилар. Бу стендлар ва деворий газета материаллари журналистлар ва матбаачиларнинг бугунги қайноқ ҳаёт дамлари ҳақида, қайта қуриш борасида уларни тўлқинлантираётган масалалар тўғрисида ҳикоя қилар эди. Бу ерда биз республика Журналистлар союзи мукофотининг лауреатлари номлари билан танишдик. «Хат ва ҳаёт» циклли телевизион эшиттиришлар тайёрлаганлиги учун Ш. Қосимов, «Замондошимиз» серияларидаги фотосуратлари учун фотожурналист Н. Ключнев, «Ташкентская правда» газета редакцияси хатлар бўлимининг мудири О. Кружилина, «Коммунист» газета редакцияси бўлимининг мудири И. Сотволдиев ва бошқалар ана шундай лауреат унвонига сазовор бўлдилар.

КПСС XXVII съездида оммавий ахборот воситалари фаолиятига катта эътибор қаратилди. Унда журналистлар ишидаги нуқсонлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Бу галги Матбуот байрами яна шуниси билан файзлики, бундан 75 йил муқаддам «Правда» газетасининг дастлабки сони чиққан эди. «Правда» газетасининг номи В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир. У газетанинг асосчиси эди. Партиявий матбуотнинг шонли анъаналари бизнинг кунларимизда ҳам давом этмоқда. Газеталарнинг кўпчилик ўқувчилари уларнинг бош мухбирларидир.

... Сўлим боғдаги чиёбонларда дилкаш суҳбатлар, спорт майдонларида ҳамкасблар ўртасидаги мусобақалар қизғин давом этмоқда, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат ветеранлари бир-бирлари билан мириқиб гаплашмоқдалар. Ҳа, Матбуот кунига бағишлаб ўтказилган анъанавий байрам ана шундай файзли ва завқли ўтди...

Э. АДАШКИНА.

СУРАТЛАРДА: Матбуот кунига бағишлаб ўтказилган байрамдан лавҳалар.

Т. Каримов фотолари.

Чорвоқ сув омборида нима гап?

Сўнгги вақтларда Тошкент областининг турли районларидан сув тошқинлари ҳақида хабарлар келиб турибди. Шунинг учун ҳам Тошкент аҳолисини: республика пойтахтига ҳам ана шундай фалокат хавф солаётгани йўқми, деган савол қизиқтираётганлиги тушунарли. Бу йилги серёғин баҳорда Чорвоқ сув омборининг аҳволи қандай? У лиммо-лим тўлиб, сув оқимлари шаҳарга ҳам-ла қилмайдими? Биз Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги гидроэлектростанциялар секторининг бошлиғи П. И. Гохштейнга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.

— Павел Ильич, Чорвоқ сув омбори қандай тўлиб боряпти, сув тўпланиши унинг қувватидан ошиб кетмайдими?

— Бугунги кунда сунъий денгиз атиги ярмига тўлган. Бу қарийб 1 миллиард кубометр сув жамланган, деган гап.

— Кунлар тобора исиб бораётган, ҳадемай қорлар эриб бошлайди, ёғингарчиликларни башорат қилишяпти...

— Биз баҳор тошқинини ташвиш билан эмас, умид билан кутяпмиз. Ўйлаймизки, бу йил сув омборида лойиҳада кўзда тутилганидек, икки миллиард кубометрдан зиёд сув тўплашга муваффақ бўлинади. Демак, ёзда экинларни суғориш билан боғлиқ муаммолар бўлмайди, сув етарли бўлади.

Сўнгги йилларда лойиҳа белгисига етолмаётган эдик, сув таҳчиллиги деҳқонларга қийинчиликлар туғдираётган эди.

— Агар омборда унинг бунёдкорлари кўзда тутилмаган даражада кўп сув тўпланса-чи?

— Гап шундаки, ҳамма нарса олдиндан кўзда тутилган. Қанча сув ғамланса, шу сув сарфланади.

— Тўғон мисол учун зилзила натижасида кутилмаганда дарз кетиши мумкинми?

— Бу — мустасно. Биринчидан унинг конструкцияси ниҳоятда мустаҳкам. Иккинчидан тўғон танасига уч мингдан зиёд датчиклар ўрнатилган. Улар узлуксиз равишда ахборотларни марказий пультга етказиб туришади. Бу ерда улар таҳлил этилиб, қайта ишланади. Назорат ниҳоятда қаттиқ. Тўғон бунёд этилганидан бери бирор марта ҳам ҳаяжонланиш учун асос бўлгани йўқ.

— Сув омбори лиммо-лим тўлгач, сув соҳилларини ўпириши, тўғонни бир чеккада қолдириб, пастга ҳамла қилиши мумкинми?

— Бу ҳам истисно. Сунъий денгиз Чотқол, Пискент, Кўксув дарёлари ва бошқа катта-кичик сув манбаларининг қўшилиши натижасида вужудга келган. Уларнинг ўз доимий ўзани бор, шундай экан, соҳиллар емирилишининг ҳавфи йўқ. Буни Чорвоқ сув омборидан ҳар куни министрлигимизнинг тегишли хизматларига етказиб берилаётган оператив ахборотлар ҳам тасдиқлайди.

— **Демак, хавотирланиш учун ҳеч қандай асос йўқ?**

— Ҳудди шундай. Фалокатли зилзилалар, вулқонларнинг отилиши, бошқа табиий офатлар қутилаётгани йўқ. Чорвоқ тўғонининг мустаҳкамлигига путур етказиши мумкин бўлган бирор сабабни тасаввур ҳам қилиш қийин.

Суҳбатни В. БЕКМЕТОВ олиб борди.

«Дийдаси қотганнинг нони ҳам қотган»

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 20 апрель сонида ана шундай умумий сарлавҳа остида туркум материаллар эълон қилиниб, уларда Тошкент аҳолисини кенг ассортиментда, сифатли нон-булка маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича шаҳар нон ёпиш индустрияси ишидаги жиддий камчиликлар қайд этиб ўтилган эди.

Бугун биз газетхонларни камчиликларни тугатиш юзасидан кўрилган чоралар, ана шу камчиликларга йўл қўйган айбдорлар қандай жазоланганлиги билан таништирамиз.

«Оқшом» мақолаларида кўтарилган масалалар Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг коллегиясида муҳокама қилинди. Министрлик бўйича чиқарилган буйруқ билан ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун «Узхлебпром» республика саноат бирлашмасининг бошлиғи М. Г. Гайсин, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-нон заводларни директорлари А. А. Абдуллахўжаев, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-нон заводининг директори Б. Н. Мирзараҳимов эгаллаб турган вазифаларидан озод қилинди. «Узхлебпром» республика саноат бирлашмаси бош инженери С. Д. Жубаева, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3 ва 4-нон заводлари директорлари Ш. С. Каримов ва Б. С. Исроилова, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-нон заводи бош инженери Т. Урмоновга қаттиқ виговор эълон қилинди. «Узхлебпром» республика саноат бирлашмаси бошлиғининг ўринбосарлари Н. Н. Зенцова ва М. А. Карижоновга, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош технологи В. П. Добриднева виговор эълон қилинди.

Тошкентдаги 2-дон маҳсулотлари комбинатининг директори А. Г. Дидаш жиддий огоҳлантирилди.

Министрлик бўйича чиқарилган буйруқда мавжуд камчиликларни тугатиш, кенг ассортиментда юқори сифатли нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришини таъминлаш, министрликнинг барча корхоналари ва бўлинмалари ишини яхшилаш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Уларнинг белгиланган муддатда, тўла ҳажмда бажарилиши устидан назоратни таъминлаш учун Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрининг ўринбосарлари Б. Т. Жалиловга ва Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг оператив штаб ташкил этилди.

* * *

Тошкент шаҳри аҳолисини тегишли ассортиментда сифатли нон-булка маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича министрлик корхоналари ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг бошланғич партия ташкилоти партия бюроси мажлисида муҳокама қилинди.

Партия бюроси корхоналар иши устидан етарли даражада назорат олиб бормаганлиги, турли қонда бузилишларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаганлиги учун КПСС аъзолари —ун-ёрма саноати бош бошқармаси бошлиғи С. С. Жукка, омухта ем саноати Бош бошқармаси бошлиғи В. В. Васильченкога, министрнинг нон ёпадиган корхоналар иши учун мутасаддм ўринбосари Б. Т. Жалиловга виговор эълон қилди, 2-нон заводига амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан партиявий топшириқни етарли даражада бажармаганлиги учун техника бошқармаси бошлиғи, КПСС аъзоси С. Н. Николайчукка кўрсатиб ўтилди.

* * *

«Тошкент оқшоми» газетасида «Дийдаси қотганнинг нони ҳам қотган» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинган материаллар Куйбишев район партия комитети бюросининг мажлисида муҳокама этилди. 3-ун заводи директори, КПСС аъзоси П. Х. Йўлдошевнинг унинг сақлаш ва қайта ишлаш, санитария нормаларига риоя қилишдаги жиддий камчиликлари учун шахсий масъулиятини у соғайиб чиққанидан сўнг кўриб чиқиш топширилди.

Маъмурият фаолияти устидан бўш назорат олиб борилганлиги, технологик интизомни, санитария нормаларини бузувчиларга нисбатан чора кўрмаганлиги учун 3-ун заводи партия бюросининг секретари Григорьевга виговор эълон қилинди.

Куйбишев район партия комитети ўз вазифаларига жиноткорона — совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун «Ташоблпотребсоюз» ихтисослашган матлубот савдосининг 1-ун заводи ва Тошкент консерва заводининг 2-филиали рақбарлари партиявий масъулиятини кўриб чиққанини илтимос қилиб Орженикидзе район партия комитетига мурожаат қилди.

Бюро Э. Е. Хачиева ва Л. В. Железниналарнинг бундан буён район санитария-эпидемиология станцияларининг санитария врачлари лавозимида қолишлари мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Район партия комитети Куйбишев район санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи вазифасини бажарувчи Х. Г. Чинаровни маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси раҳбарлигига мурожаат этди.

Куйбишев район ошхоналар трести, райпишчетторги, Тошкент «Гастроном» савдоси идораси директорларн А. Л. Юрьева, М. А. Исҳоқов, А. И. Исломов дон маҳсулотлари тежамли ва авайлаб сарфланишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилди.

Аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

МУСОБАҚА ОММАВИЙ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Совет кишиларининг меҳнатсеварлиги ва истеъдоди — қўйилган мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи шартидир. Энди иш ана шу буюк кучни моҳирлик билан ташкил этиш, аниқ йўлга солиб туришда қолди. Шунинг учун ҳам бу жабҳада социалистик мусобақанинг роли ғоят каттадир. У иш сифатини оширишга, иқтисод ва тежамкорликка, ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида белгиланган марраларга эришишга қаратилмоғи керак.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий доклади).

Ёруғ юз билан

Ўтган йили бирлашмамиз меҳнатчилари план-топшириқларини ортиғи билан уддалашга муваффақ бўлдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 7,3 процент юксалди. Албатта бу натижага ўз-ўзидан эришганимиз йўқ.

— Янги ютуқларни қўлга киритишимизда социалистик мусобақанинг аҳамияти катта бўлаётир. Унга уюшқоқлик билан қўшилган ҳар бир ишчи-хизматчи зиммасидаги топшириқни беками-кўст адо этишга астойдил интилмоқда.

Юбилей йилида ҳам катта мақсадларни кўзлаб қўйганмиз. Айниқса, қолоқларсиз ишлаш коллективимиз аъзоларининг бош вазифасига айланмоқда. Шунинг учун жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун қатъий кураш олиб борилаётир. Қолаверса, меҳнат беллашуви ҳам кун сайин қизимоқда. Социалистик мусобақа шартларининг муҳим бандларини бригадалар ўртасида энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш ва сифатли иш бажариш каби шу куннинг муҳим вазифаларини ташкил этмоқда. Натижада корхонамиз меҳнат беллашуви илғорлари сафи тобора кенгайиб бораётир.

Ўтган йилларда Ҳалил Ҳошимов, Акбар Нуриддинов, Маъмура Йўлдошева сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари смена топшириқларини белгиланганидан анча ошириб бажариб, юқори кўрсаткичларга эришганди. Уларнинг муваффақиятлари йилнинг дастлабки кварталида янада салмоқли бўлди. Ҳар бир ишчи уч-тўрт кун аввал квартал планини ошириб бажариб, белгиланганига қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришди. Бунинг эвазига М. Йўлдошева, А. Зарубцкая, П. Собитова сингари ёш ишлаб чиқариш илғорлари эсдалик буюмлари ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Шуниси қувончлики, бирлашмамиз ёрлиғи тушурилган маҳсулотлар мамлакатимиздан четда ҳам анча шуҳрат қозонган. Ўтган йили дўст афғон халқига маҳсулот жўнатишни йўлга қўйган эдик. Ўша даврдан буён йигирмадан ортиқ контейнерда уларга турли хил уй жиҳозлари ва бошқа ёғоч буюмларини жўнатдик. Натижада яқинда бир гуруҳ истеъмолчилардан миннатдорчилик сўзлари битилган телеграммалар олдик. Унда бирлашмамизда тайёрланаётган маҳсулотларга қизиқиш ва талаб ортиб бораётганлиги алоҳида қайд этилганди.

Корхонамиз шуҳрати — бизнинг шуҳратимиз. Коллективимиз аъзолари буни чуқур ҳис этишади. Шу боисдан ҳам улар иш суръатини бўшаштирмай Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган шу қутлуғ йилда янада юқори натижаларга эришиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Юбилейни ёруғ юз билан кутиб олиш уларнинг катта мақсадига айланган.

Э. ИКРОМОВ,
Сергелидаги ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.



Зонд Аҳмедов 17 йилдан буён «Ташхимаш» заводида илғорлар сафидан жой олиб турибди. Ёшлар мураббийси, ихтирочи З. Аҳмедов меҳнат қилаётган темир-пресслаш цехида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бригадалар ўртасида меҳнат мусобақалари кенг авж олдирилган.

СУРАТДА: Зонд Аҳмедов ўз шогирди Эркин Раҳматуллаев билан янги деталларнинг ишлаш шароитини ўрганишмоқда.

Ҳ. Солиҳов фотоси.

ҚАТЪИЙ ГРАФИК АСОСИДА

«ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 400 МИНГ ЙЎЛОВЧИГА НАМУНАЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТАМИЗ». 2-троллейбус депоси коллективи йил бошида ана шундай катта мақсадни кўзлаб қўйган эди. Бунинг учун ҳар бир ҳайдовчи ўз ички имкониятларини ва қўшимча резервларни тўла сарҳисоб қилиб чиқди. Хизмат маданиятини юксалтиришнинг самарали усулларини ўзлаштиришга интилди. Қолаверса, ўзаро меҳнат беллашувини қизғин авж олдирдилар. Айни пайтда троллейбус ҳайдовчилари ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этишиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Улар орасида айниқса 11-троллейбус маршрутининг ҳайдовчилари ажралиб туришибди. Бу коллективда иш унумини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Айниқса, ҳаракат мунтазамлилигини таъминлашда қатъий графикка амал қилинаётганлиги ютуқларнинг асосий омили бўлаётир. Натижада Рихсивой Охунов, Нина Фёдорова, Асад Самиғов, Рафаэль Абдусаломов сингари тажрибали троллейбус ҳайдовчилари кунлик топшириқларни белгиланганидан анча ошириб бажаришга муваффақ бўлишмоқда. Шу боисдан ҳам улар ўттиз квартал якунлари бўйича депо ҳайдовчилари ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақанинг илғорлари бўлишди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Пешқадамлар вахтаси

Абдураҳим Қорабоев йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатишдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этибгина қолмай энг юқори натижаларга ҳам эришаётир. Ўзи бошқараётган трамвайнинг техник пухталигини мунтазам таъминлаб, у ҳар куни нормага қўшимча 300 дан зиёд йўловчини манзилига етказиб қўйяпти.

Пешқадам ҳайдовчи Абдураҳим Қорабоев меҳнат қилаётган биринчи трамвай депосида бундай меҳнат илғорлари кўпчиликни ташкил этади. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллиги нишонланадиган бу қутлуғ йилда катта анжуманга муносиб совға тайёрлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб ишламоқдалар. 25, 28, 29-трамвай маршрутларининг Рашид Турсунбоев, Саид Шайҳов, Илларий Филиппов сингари ишчан ҳайдовчилари айниқса, бу борада фидокорлик намуналарини кўрсатишмоқда. Уларнинг ҳам кунлик иш кўрсаткичлари Абдураҳим Қорабоевники каби юқори бўлаётир. Шуниси қувончлики, уччала маршрут коллективи йиллик планни муддатидан 70 кун илгари бажариш билан шонли айёмни кутиб олишга қатъий қарор қилишган. Айни кунларда улар мусобақани қизитиб ишлаб, кўзланган марранинг дадил эгалланишига мустаҳкам замин ҳозирлашяпти.

Р. АЛИЕВ.

ТАШАББУС САМАРАСИ

Йил бошида коммунистик меҳнат зарбдори, коммунист Анатолий Богатирёв бошчилик қилаётган электрогаз пайвандчилар бригадаси ишчилари ажойиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар якдиллик билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган қутлуғ кунга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бажаришга аҳд қилишди. Шунга муваффақ коллективда иш унумини оширувчи, маҳсулот сифатини яхшиловчи бир қатор омиллар қайтадан кўриб чиқилди. Қолаверса иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Бу туфайли бригада ишчилари йилнинг ўтган ойлари планларини белгиланганидан анча ошириб бажаришга эришдилар.

Айни пайтда коллективда ўзаро социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Уни астойдил қўллаб-қувватлаган ишчилар смена топшириқларига қўшимча иш бажариш учун зарбдорлик ҳаракатини янада кучайтирмоқдалар. Қўйлиқ кўприк ва темир-бетон конструкциялари заводининг бу пешқадам коллективи шу боисдан ҳам Абдували Раҳмонов бошлиқ бригада ишчилари билан ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада илғорлик қилмоқда. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар эса жойларда йўл-кўприк қурилиш ишларини жадаллаштиришда қўл келаётир.

С. ИКРОМОВ.

Етти қизнинг маликаси

Римма Аҳмедова цехга кириб келганида тикувчи қизлар эндигина иш жойларини эгаллашганди. Уларнинг баъзилари ўз иш қуролларини кўздан кечириб баъзи жойларини созлаб, мойлаш билан банд эдилар. Ателье мудираси ҳеч қаёққа қайрилмай Шодия ишлаётган жойга келди.

— Табриклайман, ютуқларинг бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверсин, — деди уни қучиб.

Фавқулодда ҳолдан бинчиқи бир зум лол қолди. Аммо атрофини ўраб олган тикувчилар гап нимадалигини англаб етганларида Шодия ўзини қўярга жой топаолмай қолганди. Тикувчиларнинг қўлидаги газетага нигоҳларини тикканича, ундаги сатрларни мамнуният билан ўқий бошлади.

— «В. И. Ленин номидаги «Тошгоршвейбит»нинг 27-ателеси бинчиқчиси Ш. Султонова 1986 йил социалистик мусобақа якунига кўра коммуналмаиший хизмат кўрсатиш ходимларининг Тошкент область «Сервис» мукофоти лауреати бўлди».

У бир дақиқа касбдошларининг қуршовида қолди. Ўз шаънига билдирилаётган самимий қутловлардан Шодия заррача бўлсада ўзини йўқотиб қўймади. Балки ифтихор билан бу юксак мукофотни коллектив ишчилари меҳнатига берилган муносиб баҳо эканлигини таъкидлади. Устози Зинанда Петрова Косухина келиб уни бағрига босганида, Шодиянинг кўзларидан севинч ёшлари порлади. У шу дақиқада ўз устозининг юксак ишончини оқлаганидан ва унга муносиб киши эканлигидан мамнун эди.

Олма-отадаги тўрт ойлик тикувчилар тайёрлашга ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртини битириб Тошкентга ишга келган Шодияни тажрибали чевар Зинанда Петровна шогирдликка олди. Унга кунт билан касб маҳоратини ўргатди. Ёш қизча ҳам бинойидек экан, тиниб-тинчимади. Ўқиш пайтида тўпланган назарий билимларини амалда синаб кўриш учун астойдил курашди. Ўзининг зийраклиги, ташаббускорлиги билан касбга бўлган садоқати туфайли тез орада коллектив тикувчилари ўртасида обрўэътибор топди. Кунларнинг бирида «Чеварларнинг чевари» конкурси бўлиши ҳақидаги хабарни эшитиб Шодия бироз ҳаяжонланди. У кўпдан буён мана шундай баҳсларда иштирок этишни кўнглига тугиб юради. Ниятига етди. Бор маҳоратини ишга солиб конкурсда ғолибликни қўлга киритди.

У энди ўзини бемалол мустақил ишларни ҳам уддалаши мумкинлигини намойиш этганди. Шу боисданми ёш чеварни янги коллективга етакчи этиб тайинлашди. Шодия етти қизга бошчилик қилиш билан кифояланибгина қолмай, тинимсиз изланди. Ҳамкасб-дугоналарини ҳам самарали меҳнат қилишга руҳлантириб борди. Натижада цех тикувчилари ўртасида авж олдирилган ўзаро меҳнат беллашувларида бу бригада қизлари ҳам актив иштирок эта бошладилар. Бунинг самараси эса ойлик ва квартал планларининг юксалиб боришида намоён бўлди. Ателье коллективи биргина ўтган йилнинг ўзида 42 минг сўмликдан кўп иш бажарди. Шунинг салкам 12 минг сўмлиги йиллик планга қўшимчадир.

Коллективнинг бу меҳнат муваффақиятига бинчиқчи Шодия Султонова ҳам муносиб улуш қўшди. У ательега келувчи буюртмачиларнинг ёшига қараб материалларни танлашда уларга яқиндан ёрдам бериш билан кифояланиб қолмай, янги-янги моделларни ҳам ўзлаштириб борди. Талабчан буюртмачиларнинг дидига мос қилиб андозалар бичди. Шу туфайли бўлса керак айни пайтда ательедан бир зум бўлсада уларнинг қадами узилмайди, доимо буюртмачилар билан гавжум бўлади. Биз бунга ателье етиб борганимизда яна бир бор иқрор бўлдик. Турли ёшдаги мижозлар ўз буюртмаларини қабул қилиб олишаётганди.

— Пенсионерман, — деди ўзини Ранса Петровна Тишина деб таништирган аёл, — бу ердаги тикувчиларнинг, айниқса бинчиқчи Шодия Султонованинг ишидан беҳад мамнунман. Яқинда кўйлак тиктиришга буюртма бергандим. Ўз вақтида чиройли қилиб тайёрлаб беришди.

Ательенинг «Таклифлар» дафтарига кўз югуртирамиз. Уларни ҳам шаҳримиз турли соҳа меҳнатчиларининг миннатдорчилик сўзлари битилган сатрлар безаб турибди.

...Мана, иш тугади. Тажрибали бинчиқчи Шодия Султонова бошчилигидаги бригада коллективи одатдагидек нормани яна ортиғи билан бажарди. Бригадир ташқарига чиқиб уйига отланди. Атроф гўзал. Фасллар келинчаги бахор шаҳарга сепини ёйиб юборган. У ўзи тайёрлаб берган кўйлакларни кийиб, гулдай очилиб кетган қизларга кўзи тушди-ю, меҳнатининг самарасиз кетмаганлигини ўйлаб қалби яна қувончга тўлди.

З. МАМАДАЛИЕВ.

Ҳар бир гражданга, жамиятга фойдали

Актуал интервью

Биринчи майдан бошлаб «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР қонуни кучга кирди. Бу янгилик туфайли гражданларда кўпгина саволлар пайдо бўлмоқда. УзТАГ мухбири Н. Шулепина газетхонлар номидан Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети раиси Х. Н. Тожиевга саволлар билан мурожаат қилди.

— Шундай қилиб, Биринчи Майдан бошлаб илгари ижозат берилмаган якка тартибдаги меҳнат фаолияти турларига ҳам рухсат берилди. Булар конкрет айтганда, нималардан иборат?

— Бу фаолият турлари жуда кўп — улар социал-маданий, якка қўл ҳунармандчилик ва маиший хизмат соҳаларига тааллуқлидир. Илгари якка тартибдаги меҳнат фаолияти аслида косибчилик ва тикувчилик ҳунарлари билан чегараланган эди. Эндиликда эса, бу фаолият уй-жой ва гаражлар қуриш, мебель тайёрлаш ва ремонт қилиш, ўйинчоқлар ва эсдалик буюмлари, гиламлар ва тўқиладиган буюмлар тайёрлаш, бетоблар ва қариялларга қараш, подачилик, репетиторлик ва бошқа кўп юмушларни ўз ичига қамраб олади.

—Фаолиятнинг қайси турлари билан шуғулланиш қонун йўли билан тақиқлаб қўйилган?

— Қурол-яроғнинг ҳар қандай турларини тайёрлаш ва ремонт қилиш, шамлар, бутлар, черков асбоб-анжомлари тайёрлаш мумкин эмас. Матбаа ва фотомаҳсулотларини кўпайтириш, шунингдек видеофильмлар, кинофильмлар ва магнит ёзувларини кўпайтириш мумкин эмас. СССРда тақиқлаб қўйилган хусусий фаолият турлари орасида республикамизга хос бўлган турлар ҳам бор: чачвон ва паранжи тайёрлашга, пиллани қайта ишлашга, томоша тадбирлари ташкил этишга рухсат берилмайди.

— Февраль ойидаёқ маҳаллий газеталарда янги қонун ҳақида ахборот эълон қилиниши билан бир вақтда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истаётган кишилар учун анкета ҳам чиқарилган эди. Шундай истак кўпчилик кишида пайдо бўлдими?

— 4 минг нафарга яқин одам шундай истак билдирди. Очиғини айтадиган бўлсак, биз бундан ҳам кўп киши ана шундай истак билдиради, деб ўйлаган эдик. Эҳтимол, гражданлар бу иш амалда қандай бўлишини дуруст тасаввур қилаолмаётгандирлар. Меҳнат харажатларини қопламайдиган катта солиқлардан чўчиб туришибди. Қоғозбозликдан, хом ашё етказиб бериш, маҳсулотни сотишдаги қийинчиликлардан чўчишяпти... Бу тушунарли, лекин вақт кўрсатади, деган умиддамиз.

Аввало патент учун тўлов ҳақида. Бу тўлов эндиликда илгаригига нисбатан камроқдир. Илгари ҳам якка тартибдаги меҳнат фаолияти учун қўлида патенти бўлган кишилар (бундай шахслар республикамизда 6 минг кишини ташкил этади) тўловнинг бир қисмидан озод қилинадилар.

— Фаолиятнинг қайси турларига патентлар берилади?

— Назорат қилиш қийин бўлган фаолият турларига патент берилади. Тўлов пули йилига бир марта топширилади. Масалан, тўқиладиган буюмлар тайёрлаш ва сотиш учун патент 170 сўм, кийим тикиш учун бериладиган патент минг сўм, тандир тайёрлаш ва сотиш учун патент 700 сўм туради. Тўй дастурхони учун таомлар тайёрлаш, тантаналарда вокал-ижрочилик, рақсга тушиб хизмат қилиш учун ҳам патент олиш мумкин. Патент талаб қилинадиган фаолият турлари анчагина. Лекин кўп ҳолларда даромад солиғи давлатга тўлов бўлиб хизмат қилади.

— Бу тўловнинг миқдори нималарга боғлиқ бўлади?

— Даромадга. Агар йил мобайнида ўртача ойлик даромад 70 сўмдан ортмаса солиқ солинмайди. Пенсионерлар, уруш қатнашчилари, инвалидлар учун бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган. Кооперативларга солиқ худди ишчилар ва хизматчилардан олинадиган тарзда солинади. Унинг миқдори нисбатан кўп эмас.

Олиниши мумкин бўлган даромадларни декларацияда кўрсатиш керак. Давлатга ҳар ойда топшириладиган тўлов шу декларацияда кўрсатилган пул миқдорига боғлиқдир. Даромадларни камайтириб кўрсатиш имконияти тўғрисида савол бермоқчи эканлигингизни сезиб турибман. Район молия бўлимлари ва ички ишлар органлари бу ишни назорат қилиб турадилар. Давлатни алдаганлик учун маъмурий жазолар белгиланган: якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланади, асбоб-анжомлар олиб қўйилади.

— Қонун ижозат этган ҳунарлар ва хизмат турлари ҳақидаги мавзуга қайтсак. Бу иш билан шуғулланишни истаган киши нима қилиши керак?

— Район ижроия комитетига ариза бериши керак. Орттирча қоғозлар талаб қилинмайди. Ўзи ҳақидаги ҳамма маълумотларни аризада кўрсатиши керак. Шундан кейин шартнома тузилади.

— Агар гап, айтайлик, сандиқ тайёрлаш хусусида бораётган бўлса ҳамма иш осон кўчади. Агар нон ёпиш, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш тўғрисида бораётган бўлса-чи?

— Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи бўлган Самарқанд новвойлари осонгина рухсат олдилар.

Сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги справка ва санитария-эпидемиология станциясининг рухсат қоғози зарур бўлди, холос. Энди ўқитиш билан боғлиқ бўлган фаолият турлари ҳақида. Бу ўринда маълумоти ҳақидаги ҳужжат керак бўлади. Агар бадиий ҳунармандчилик устаси ижозат сўраётган бўлса, ижроия комитет ҳузуридаги бадиий кенгаш ўз фикрини айтади.

— Агар ижроия комитет рад жавоби берса-чи?

— Ижроия комитетидаги мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида юқори советларга шикоят қилиш мумкин.

— Биз, ҳойнаҳой, ҳамма саволларни бериб улгурмадик чоғи. Газетхон бироң бир маълумот олиш ёки ёрдам сўраб қаерларга мурожаат қилиши мумкин?

— Район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузурида тузилган махсус комиссияларга мурожаат қилиш мумкин. Бу комиссиялар составида юристлар, республика меҳнат давлат комитети, план ва молия органларининг вакиллари, бошқа мутахассислар бор.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

НИКАРАГУАДА АМЕРИКАЛИК ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ ЎЛДИРИЛДИ

МАНАГУА. Гондурас территориясидан Никарагуага ташланган марказий разведка бошқармасининг ёлланган қотиллари америкалик интернационалист-инженер Бенжамин Линдерни ўлдирдилар. Жиноят шимолдаги Хинотега департаментининг Камалиона посёлкасида содир бўлди.

Б. Линдер 1985 йили Никарагуага Американинг Орегон штатидан келган эди. 28 яшар инженер-электрик Камалиона посёлкасида никарагуалик мутахассислар билан Никарагуанинг шимолий районларида қичик-қичик электр станциялар қуриш планини амалга ошириш соҳасида бегараз меҳнат қилаётган эди.

Контраслар 28 апрель эрта тонгда посёлкага ҳужум қилди. Б. Линдер тасодифий отилган ўқдан ҳалок бўлди, деган дастлабки тахмин тасдиқланмади. Хинотегада маъмурларининг айтишича, террорчилар Камалионада АҚШдан келган инженер ишлаётганлигини билганлар ва атайлаб унинг орқасидан одам қўйганлар. Улар Линдерни зўрлик билан уйдан олиб чиққанлар ва посёлка аҳолисининг кўз ўнгида уни бамайлихотир отиб ташлаганлар.

Никарагуа ҳукумати амалга оширилган мана шу жиноят учун жавобгарликни Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари зиммасига юклади. Республика ташқи ишлар министрлигининг АҚШ давлат департаменти номига якшанба куни юборган нотасида америкалик гражданин Б. Линдерни Вашингтон ўқитган, қуроллантирган ва бу ерга юборган террорчилар отганлиги уқдирилади.

Рейган маъмурияти, деб таъкидланади ҳужжатда, контраслар ёрдамида Никарагуада давлат терроризми сиёсатини амалга оширмоқда. Бандитлар деҳқонлар кооперативларини, мактаблар ва медицина марказларини вайрон қилмоқдалар, ҳеч бир гуноҳи бўлмаган одамларни ўлдирмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 2 мингдан ортиқ никарагуалик бола, 300 га яқин муаллим ёлланган каллакесарлар қўлида қурбон бўлди. Сомосачи гуруҳлар Франция, Швейцария, Италия, ГФРдан келган интернационалистлардан 10 кишини ўлдирдилар. Б. Линдер контрас террорининг қурбони бўлган биринчи америкаликдир.

Никарагуа ҳукумати Вашингтон маъмуриятидан сандиночилар революциясига қарши террор ва разил аггрессияга чек қўйишни, халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишни талаб этди.


САН-ФРАНЦИСКОДА БОШПАНАСИЗЛАР СОЮЗИ ТУЗИЛДИ

САН-ФРАНЦИСКО. «Бир кечалик жой — уй эмас, биз ўзимизнинг бошпанамиз бўлишини истаймиз!». Ана шу қизғин шиор бу шаҳарда тузилган бошпанасизлар союзининг ҳаракат программаси бўлиб қолди.

Бирлашиш тўғрисидаги қарор якдиллик билан қабул қилинди. Шаҳардаги 400 дан кўпроқ ночор аҳволда яшовчи қашшоқлар аччиқ қисматлари ва бошларига тушаётган кўргиликлардан норози эканликларини маъмурларга айтиш учун муқаддас Антоний ибодатхонаси ҳузуридаги ҳайри-эҳсон ошхонасига йиғилдилар. Таъсис конференцияси ташкилотнинг программа ва уставини қабул қилди.

Сан-Франциско бошпанасиз кишилар ўз ташкилотларига уюшган АҚШдаги тўққизинчи шаҳардир. Бундан икки йил муқаддам Филадельфия шаҳрида бошпанасизларнинг биринчи ташкилоти тузилган эди. Шундан кейин бундай ташкилотлар янги Орлеан, Чикаго, Вашингтон, Лос-Анжелес, Бостон, Балтимор ва Нью-Йорк шаҳарларида тузилди. Сенатор Альберт Горанинг маълумотларига қараганда, Рейган маъмурияти даврида бошпанасиз одамлар Америка аҳолисининг тез кўпайиб бораётган тоифасига айландилар, бошпанасизлар сони йилига 33 процент кўпайиб бормоқда.

Объективда—Гайана



Жоржтаун — Жанубий Америка шимоли-шарқ қисмида жойлашган Гайана Кооператив Республикаси пойтахтидир. Шаҳар XVIII асрнинг охирларида бунёд этилган. Аҳолиси 200 минг киши атрофида.

СУРАТДА: ўтган аср охирларида қурилган Гайанадаги ёғоч уйлар шаҳар фахри ҳисобланади. Булар қаторига Лотин Америкасидаги улкан ёғоч саборни ҳам киритиш мумкин.

М. Фокин фотоси. ТАСС.

Калейдоскоп

ЯГОНА ТИЛДА

Хитой Халқ Республикаси аҳолиси гоҳида бир-бирларини нима деётганликларини тушунмайдилар. Бунинг асосий сабаблари шундаки, давлатда турли хил тил мавжуд.

Яқинда Хитой ҳукумати: 2000 йилгача барча хитойлик ягона адабий тил — путунҳуа тилини ўзлаштиришлари шарт деган қарорни чиқарди. Бу тил шунингдек мактабларда, радио ва телевиденида ҳам жорий этилади. Ҳозирда турли тил мавжудлиги сабабли саноат ва маданиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги тилни ўзлаштириш эса хитойликлардан куч, сабр-бардошни талаб этади, деб ёзади «Зюддойче Цайтунг» (ФРГ) газетаси.

АКУЛАЛАР ЁРДАМИДА

Американинг «Ньюсуик» журналининг ёзишича, «Миннесота майнинг энд мануфакче» фирмаси кема тубига ўрнатиш учун махсус пластик қоплама ишлаб чиқди.

Мутахассисларнинг айтишларича, бу янгилик келажакда яхшигина натижа бериши мумкин. Қоплама кемага тезликни оширишда ёрдам беради. Бу пластик кема бурнидан бошлаб то кетига қадар ингичка қирқилган ҳолда ўрнатилади. Бундай қулайлик эса сувдаги силлиқликни яна ҳам яхшироқ таъминлайди. Энг қизиғи шундаки, бу янгилик акулалар томонидан ўйлаб топилган экан. Табиат денгиз ҳайвонида бундай силлиқликни жамлаган экан.

Нафосат гулшани

Сўз устасига бағишлаб

Акмал Икромов районидаги 116-мактабда ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Куни-кеча ана шу мактабда Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 80 йиллиги олдидан «Абдулла Қаҳҳор — етук ҳикоянавис ва драматург» мавзуида адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани тил-адабиёт ўқитувчиси Жалил Тўхтаев кириш сўзи билан очди. Мактаб ўқувчилари адибнинг ижоди ҳақида гапириб, ҳикояларидан парчалар ўқишди. Тўйчи Аҳмадкабиров саҳналаштирган «Шоҳи сўзана» комедияси йиғилганларга манзур бўлди. Адабий кечада адибнинг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова, ёзувчи Носир Фозилов, филология фанлари доктори Натан Маллаев, ветеран педагоглар, қўшни маҳалла отахонлари, ота-оналар иштирок этишди. Кечада Кибриё Қаҳҳорова ёзувчи ҳақида, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида завқланиб гапирди, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳажвий шеърларидан ўқиб берди.

Ёзувчи Носир Фозилов адиб китобини мактабга совға қилди.

М. АКРОМОВА.

Соғинч

(ҚАТРА)

Сени соғиндим, сен юрган йўллардан сени ўйлаб борар эканман, кўзим бенхтиёр дарахт шохида узилмай қолган ўтган йилги шу барг ранги каби сариқ эди.

Сени интизорликда кутаётган йигит шу барг ранги каби сариқ эди.

Қаҳратон қиш келди, қаттиқ совуқдан барг қовжираб қолган бўлсада, аммо узилиб кетмаганди. Айриллиқ шафқатсиз бўлгани билан сенга бўлган Муҳаббат сўнмаган эди. У қалб ҳарорати билан ёниб турарди.

Баҳор келди, қишнинг совуқ шамолларига чидам берган барг баҳорги майин шабадада таъзим қилгандек ерга тушди.

Дарахт яшилликка бурканди, гуллари қийғос очилди.

Мен ўзим излаган чиройни гўёки топгандек эдим. Дарахт гулларида хотирамда сен қолдирган чирой бордек эди. Унинг ҳидларидан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Чунки сенинг сочларингдан тараладиган ис шу гуллар ҳидига жуда яқин эди. Мен ўз дардимга малҳам топгандек эдим...

Исроил ҒИЁСОВ.

Ҳиндистон экспонатлари

Ўзбекистон ССР Давлат санъати музейи залларида Ҳиндистонга оид экспонатлар намойиш этилмоқда.

Рус санъати бўлими залларидан бирида рассом Василий Верешчагиннинг 1867 йилда яратган «Пешоварлик ҳинд кишиси» портрети мойбўёқларда жонли акс этган бўлиб, унда кекса ҳинд кишисининг ватанга муҳаббати тасвирланади.

Қардош республикалар санъати қўйилган залларда СССР халқ рассоми Семён Чуйковнинг «Мадраслик аёл» полотноси ҳаётий яратилган. Рассом 1974 йилда Ҳиндистон диёрида бўлиб, ҳинд аёллари ҳаётидан ушбу асарини 1976 йилда қиёмига етказган эди.

Ҳозирги пайтда Ҳиндистонга келиб бўлиб тушган ўзбек мусаввираси Раъно Исматова (Раъно Ҳабиб)нинг «Ҳинд аёли» асари рангтасвирлар кўргазмасидан муносиб ўрин олиб турибди. Тасвир зарҳал, яшил, оқ рангларда ифода этилиб, ҳинд аёлини миллий кўринишидан ҳикоя қилмоқда.

Залларга қўйилган экспонатлардан ташқари 1957 йилда ташкил топган хорижий Шарқ санъати бўлимидаги бир зал Ҳиндистонга бағишланган. Бу залга қўйилган юздан ошиқ ҳинд санъати намуналари СССР дўстлик жамияти орқали музейга топширилган эди. Ҳинд халқи ўзининг беш минг йиллик миллий маданиятини авайлаб сақлаб келмоқда. Бу ерда буддизмга оид тош, ёғоч, металл, фил суягидан ишланган ҳайкалчалар, «Рамаяна» достони сюжетлари акс эттирилган расмли босма матолар, ипакдек тўқилган Кашмир гилами, тоза жундан босилган нақшли намат, «сари» деб ном олган ҳинд аёллари киядиган миллий кийимлари ва бошқа санъат турлари томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳинд халқи санъати бизнинг санъатимизга ўхшаб кетади. Масалан, обдаста, самовар, ликопча, мисдан тайёрланган идиш, шамчироқ кабиларда миллий анъана ҳамкорлигини сезиш мумкин.

Фил суягидан ҳинд халқ усталари тайёрлаган ўта майда, фақат микроскоп орқали аранг кўринадиган ушоқ филчалар тасвирларидан 300 донаси уларда халқ санъати кенг тараққий этганлигидан далолат беради.

XIX—XX аср ҳинд санъати орасида «Вина» деб аталувчи (худди гитарага ўхшаш) миллий чолғу асбоби йирик ишланганлигига қарамай, нафислиги билан диққатни тортади.

М. АҲМЕДОВ.

Халқ ансамбли ютуғи

Маданият масканларида

Авиасозлар Маданият саройи қошидаги ёш доирачилар ансамбли ташкил қилинганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Ансамбль қисқа вақт ичида яхши ижодий ютуқларга эришди. Коллектив Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлар кўригининг ғолиби бўлди. Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Москвада ўтган Жаҳон ёшларининг XII фестивали ва бошқа кўрикларда муваффақият қозонди. Ансамбль иштирокчилари мактаб ўқувчилари ва ҳатто мактаб ёшига етмаган «санъаткор»лардан иборат.

Авиация бирлашмаси ишчилари фарзандлари бўлган бу ёшлар ўз раҳбарлари Х. Носиров раҳбарлигида саҳналаштирган композиция «Қиличбозлар рақси», «Лезгинка», «Ўзбекистон усуллари» номли программалар устида ишламоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ артисти Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Одил Камолхўжаевлар катта ёрдам кўрсатган бу коллектив яқинда Москвада ўтган касаба союзлари съездига бағишланган концертларда ҳам иштирок этди. Ишчилар, пахтакор-деҳқонлар билан кўплаб учрашувларда бўлган бу коллектив ҳақли равишда «Халқ ансамбли» номини олди.

М. НАЗАРОВ.



СУРАТДА: ансамбль қатнашчилари.

Автор фотоси.

«Олмос камар» экранда

В. И. Ленин номидаги ТошДУ Маданият саройида Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романи асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган фильмнинг жамоатчилик муҳокамаси бўлди. Унда роман ва фильм авторлари, таниқли актёрлар, ёзувчи ва танқидчилар қатнашдилар. «Олмос камар» фильмини томоша қилган университет ўқитувчилари ва студентлари унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар. Муҳокамада қатнашган актёрлар Илёс Шермуҳамедов, Турсуной Жаъфарова, Баҳодир Йўлдошев, Темур Қаюмов, шунингдек фильмдаги Малика ролини ижро этган, Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 113-ўрта мактабнинг 6-«а» синф ўқувчиси Барно Шодмоновалар томошабинлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни илиқ қабул қилдилар.

Р. РЎЗИЕВ,
ТошДУ студенти.

«БАХТ ҚУШИ»

Шингил ҳажвия

Касбимиз бухгалтерлик бўлгани учун эрталабдан билак-бўғимизни кийиб ҳисоб-китоб бошлаб юборгандик, одатдагидек ширин ўй-хаёлларимизни ўртада баҳам кўряпмиз:

— Икки, саккиз, ўн икки, йигирма тўрт, ўттиз уч... Қўлимга беш-олти танга тушиши билан участка қурғошни бошлаб юбораман.

— Беш, ўн уч, йигирма бир, ўттиз олти, қирқ, қирқ уч... Э, бўйим дадамдан бир қарич баланд бўлгани билан, ҳали уйга сариқ чақачалик ёрдамим тегканн йўқ. Яна уйланишим ҳам керак.

— Тўрт, ўн беш, йигирма икки, ўттиз бир, ўттиз беш... Яқинда «Жигули» олсам калитини дадамга бериб: «Шунча йил самосвал ҳайдаганингиз етар, энди шартта пенсияга чиқиб маҳони тойчоқни кишнатиб юринг!» дейман. Барибир ўзимнинг машина минишга унча ҳушим йўқ...

— Уч, ўн уч, йигирма уч, ўттиз тўрт, қирқ бир, қирқ беш... Шу ёшга кириб йигитчиликнинг учта бахт қушидан бирортаси бошимга қўнмаган.

— Бир, ўн бир, ўн тўққиз, йигирма етти, ўттиз... Ҳа, ҳали ёшмиз. Билакда куч бор, омадни синаб кўриш керак...

Ҳаммамиз бахт қушини қўндириш учун бошимизга дон сочаётгандай зўр бериб «Спортлото» карточкаларини тўлдирар эдик...

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ.

Янги нашрлар



Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Одил Ёқубовнинг уч жилдлик «Сайланма»сини босмадан чиқарди. «Сайланма»нинг 1-2 жилдлари ўтган йили, учинчи жилди эса куни кеча босмадан чиқди.

Ёзувчи асарларининг биринчи жилдига ўрта асрда яшаб ижод этган улуғ аллома Абу Али ибн Сино ҳаётига бағишланган «Кўҳна дунё» романи ҳамда бугунги ёшларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Муқаддас», «Тилла узук» каби қатор машҳур қисса ва ҳикоялар киритилган.

Иккинчи жилддан адибнинг «Улуғбек хазинаси» романи, шунингдек «Қанот жуфт бўлади» қиссаси ўрин олган.

Китоб жавонингизга

«Сайланма»нинг учинчи жилдига Улуғ Ватан уруши йиллари ёшларнинг фронт орқасидаги кўрсатган меҳнат жасоратлари, қайноқ ҳаёти ва муҳаббатига бағишланган «Эр бошига иш тушса» романи, замонавий мавзудаги «Бир фельетон қиссаси», «Биллур қандиллар» номли қиссалари ҳамда адибнинг кейинги йилларда ёзган ҳикоя ва этюдлари жамланган.

С. АЗИМОВА,
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ходими.



● **Ихтиёр Ризо** —1935 йили Озарбайжон ССРда туғилган, «Афсоналар чин экан», «Дарахтларнинг кўзлари бор» сингари шеърий тўпламлар муаллифи. У ўзбек тилида ёзади. Шеърларида Ватан, келажак, аждодлар олдидаги қарздорлик туйғуси асосий ўрин тутади.

Йигирмадан бир

Улуғ Ватан урушидан қайтмаганлар хотирасига.

Бир-бир,
йигирмадан бир!
Сталинград остоналарида,
Белорус ўрмонларида,
Карпат этакларида
ҳозирги Украина
эртакларида.
Мен...
отим,
отамнинг оти
Кимлигим
Пахтам каби
оқ, оппоқ мармарларда —
далаларимдан
минг-минг қадам
олис-олис ерларда
Йўлдошим, Маҳмудим,
Эргашим, Аҳмадим
Неча-неча
дом-даракси кетган
уғуғим, қариндошим,
На тилларда,
на оғизларда,
эски-эски қоғозларда,
Курскдан Берлингача
ёғоч-ёғоч, қарич-қарич
қабр-қабр.
Бир-бир, яроқсиз
бўғдой доналаридек
сочилган уруғларим.
Маним аввалги
қуролларим, яроғларим
йигирмадан бир,
бир миллион,
ўтмишим, қариндошим
минг-минг мармар тошим
ва орзум, ҳасратим...
Шеърим,
қудратим!

НАҲОТКИ

Бир...
фақат бир
миллион йилдан кейин
қайтадан кўз очиб,
дунёмизга қайтсам эди...
Ким...
ва кимларга ем бўлмаган
дунём
қайси шаклда,
қайси навда,
қайси тарзда,
кўз олдимда,
парда-парда,
манзар-манзар
гавдаланажак?!
Ахир, мендан бошқа
бир кимсаси бўлмаган
дунём
наҳотки
бир чақалоқ каби
ўз қўлимда бўғилса,
гўзаллиги,
олижаноблиги,
ҳотамтойлиги
бирпасда
йўқ бўлиб кетса?!
Наҳотки,
Наҳотки?!

ТЕГМА

Аёлим,
азизам, гулим
парво қилма,
ман қилма боламга,
ва эслатма,
бир вақтлар чумоли каби
битта-битта ердан
дон терганларимни,
эрталабдан, тунгача
далалардан бир ҳовуч
бошоқ излаган онларимни
ҳам!
Саккиз, ўн ёшингда
бировларнинг юмушини
қилиб,
кун кўрганингни ҳам
ўша даҳшатли кунларни
эслаб
хаёл сурганингни ҳам
эслатма...
Қўй азизам, гулим.
парво қилма, майлига
у тахта тўппончасидан
ўқлар узсин,
дельфинлар каби
дарёларга, кўлларга
бош уриб сузсин,
майли, тек қўй,
болалар билан жанг
ҳам қилсин,
кулсин хоҳлаганича.
Қўй тегизма! Ўғлимга
азизам, гулим,
тегма,
тегма.

Ихтиёр РИЗО.

Акс садо

«МИНГ БИР ТАКЛИФ»

ЁКИ «ХАМСА» НОМЛИ БОҒ ХУСУСИДА»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» 1987 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ

⊙

«Оқшом» газетаси «Ижодкор ва Тошкент» рубрикаси остида истеъдодли шоир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Омон Матжоннинг «Минг бир таклиф» сухбатини чоп этган эди. Ана шу суҳбат мени ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди.

Нега десангиз, шоирнинг таклифлари Тошкент шаҳрида яшаётган ҳар бир кишини ўйга солиб, қийнаб юрган масалалардир. Яшаётган жойга бепарво бўлиш ёмон оқибатларга олиб келишини бугун ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Қолаверса, 70-йиллардаги лоқайдлигимиз ўз гирдобига қанчалаб ажойиб эҳсонларни ютмади дейсиз.

Ҳақиқатан, қани ўша ҳар бир кўчада бунёд этилган гулзор, хиёбонлар, киши ҳайратдан ёқасини ушлаб қоладиган сўлим боғлар...

Қани, ўша бир пайтлар катталарнинг суҳбатига аралашмасдан меҳр билан кузатадиган тортинчоқ болакайлар ва қизалоқлар?...

Илгарилари ойдинда ойнадай ўз аксини кўрсатадиган типтиниқ, зилол сувлар оқадиган ариқларнинг тақдири бугун кишини ташвишга солмай қўймайди.

Шоир Жанубий вокзал ва аэропорт тақдири учун куюнади. Бу куйинишнинг қанчалик асосли эканлигини биз жуда яхши биламиз. Чунки, бизлар аэропортнинг шундай биқинида, «Бошлиқ» массивида истиқомат қиламиз. Учиб кетаётган ва қайтиб келиб тушаётган самолётларнинг овози кишининг асабига тегмасдан, оромини бузмасдан қўймайди. Аксига, массивда ҳордиқ чиқарадиган бирорта масканнинг йўқлиги икки-уч кишининггина эмас, балки минглаб аҳолини ташвишлантирмоқда.

Айниқса, «Бошлиқ» массиви ва қўшни массивда қурилаётган янги бинолар шу даражада бир-бирига тақалиб қурилганки, улар орасидаги масофа нари борса 25 метр келади. Ваҳоланки, баъзи беш қаватли биноларда 200 нафар, ҳатто ундан ҳам кўп болалар истиқомат қилади. Ўша 25 метр масофанинг ҳам бир қисмига турли хил ўсимликлар экилган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шу масофанинг қолган қисми шундай ҳолатда болалар ўйнаши учун торлик қилмайдими? Бизнингча, архитекторлар Тошкент шаҳрида бўладиган ёзги иссиқ иқлим шароитини ҳисобга олишмаганга ўхшайди. Ахир, биноларнинг бундай бир-бирларига яқин туриши бетонли уйлар хоналарининг тандирдай қизиб кетишига ва дим бўлишига сабабчи бўлмайдими? Кошки, иссиқ кунлар бир, икки ойбўлса-ю, бир пасда ўтиб кетса. Шаҳарда иссиқ кунлар ўрта ҳисобда камида ярим йиллик муддатни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу масалаларни ҳисобга олмаслик мутлақо мумкин эмас. Яна бир муаммо: Б. Хмельницкий кўчаси бўйлаб аэропортга бораверишдаги кўприк устида туриб «Россия» меҳмонхонаси томон қараб турсангиз, кўприкдан унча узоқ бўлмаган жойда гоҳо-гоҳо сарғиш-қўнғир тусли тутун ғубори осмонга кўтарилади ва кўркам бинолар устида ёйилиб йўқ бўлиб кетади. Имкони бўлса, кечиктирмасдан шаҳримизга, табиатимизга, соғлиғимизга заҳар сочаётган трубалар билан хайрлашиш керак. Бу иш қанча тез бўлса, шаҳар ҳавоси шунча тез тоза бўлади. Айниқса шоир Омон Матжоннинг «Хамса» номли боғ хусусидаги таклифига тамомила қўшиламиз. Чунки боғ— бу ҳар қандай юртнинг кўрки ва фахри, ҳар қандай халқнинг асрлар давомида эъзозлаб асраб олган наботот бойлиги десак хато қилмаймиз. Бекорга эртак ва достонларда юрт ҳақида сўз кетганда даставвал боғлар ҳақида ҳикоя қилинмайди.

Шундай экан «Хамса» номли боғнинг яратилиши шаҳарни гуллар билан безабгина қолмай, балки 1991 йилда бўладиган Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига муносиб совға бўлади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳам бундай хайрли таклифнинг амалга ошишига раҳнамолик қилса айни муддао бўларди. Қолаверса бундай боғнинг яратилиши шаҳримиз учун ҳам, ўзимиз учун ҳам керак ва бунинг ортиқча жойи йўқдир.

Д. САЪДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

⊙

Шоир Омон Матжоннинг Тошкент ҳақида куйиниб, ачиниш билан айтган фикрларига тўлиқ қўшиламан. Мақола кишини жиддий ўйлашга, фикр билдиришга ундайди. Бу мақола баҳонасида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Шоир айтган Тошкентдек дунёга машҳур шаҳарга доғ бўлиб тушадиган камчиликлар нафақат пойтахтда, балки область марказларида ҳам мавжуд. Кейинги пайтда темир йўл, автобусларнинг қатнови ҳақида жиддий танқидий гаплар бўляпти. Аммо ҳозиргача конкрет иш бўлгани йўқ. Поездга билет олиш, айниқса байрам арафасида ҳамма вақт катта проблема бўлиб қолаяпти. Масалан, Қўқондан ҳар байрамда 6 сўмлик билетни 12—15 сўмга олишга мажбур бўласиз. Кассада йўқ. Лекин қўлда бор. Нега, нима учун?! Худди шундай ҳолни Гулистон шаҳрида ҳам кўриш мумкин. Гулистон Сирдарё областининг маркази ҳисобланади. Поездга билет топиш амри маҳол. Ҳар доим билет йўқ бўлади. Сабаби аниқ: гўё вагонларга жой Тошкентдан тақсимланармиш. Гулистон 4-категорияли шаҳар бўлгани учун 4—5 та жой берилади. Ҳолбуки ҳар куни Фарғона водийсига тахминан 50—60 нафар киши кетади. Чунки областнинг кўрик Ильич, Оқ олтин, Меҳнатобод районларидаги ишчиларнинг маълум қисмини Фарғона водийсидан келганлар ташкил этишади. Улардан иш талаб қилинади, лекин уларни бориб-келиши ҳеч кимни қизиқтирмайди. Даладан чарчаб келган ишчи яна 7—8 соат вагонда тик туриб кетиши керак. Ҳозирги кунда қайта қуриш давом этаётган даврда бу ҳақда Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, бу ишга масъул кишилар жиддий ўйлаб кўрадилар деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда инсон омили деган янги тушунча пайдо бўлди. Барча илғор ғоялар, янгилик, кашфиётлар инсон эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

Бундан ташқари бутун бошли шаҳарда биронта музей йўқ. Биргина кичик Қўқон шаҳрида 10 га яқин музей бор. Гулистонда табиат, адабиёт музейи ташкил этиш қийинми? Бу музейларни ўқувчилар, ёш авлод учун аҳамияти жуда катта-ку?

Назаримда бу каби майда саналган камчиликларни йўқотиш пайти келди. Бунинг учун ҳар бир соҳада қайта қуриш ишларини олиб борши керак. Шу жиҳатдан улуғ Навоий хотирасига Тошкентда «Хамса» номли боғ яратиш эътиборга моликдир. Бу хайрли таклиф қанча тез амалга оширилса шунчалик соз бўларди.

Р. МАҲМУДОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги малака ошириш институти тингловчиси.

СТУДЕНТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Халқлар дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти бадиий графика факультети студентларининг кўрчилиги ўқув машғулотларини яхши ўзлаштириш билан биргаликда ижодий иш билан ҳам шуғулланадилар. Студентларнинг расм чизиш сирларини пухта эгаллашларида факультетнинг тажрибали педагог-рассомларининг ҳиссаси катта.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да жумладан шундай дейилади: «Ўқувчиларга бадиий ва эстетик тарбия беришни анча яхшилаш жуда муҳим вазифадир. Гўзаллик туйғусини ривожлантириш юксак эстетик диднн шакллантириш, санъат асарларини тарихий ва архитектура ёдгорликларини, жонажон табиат гўзалликлари ва бойликларини тўғри тушуниш ва қадрлаш маҳоратини ривожлантириш зарур. Шу мақсадда ҳар бир ўқув предметининг, айниқса, музика, адабиёт, тасвирий санъат, эстетиканинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин, бу предметлар билим доирасини кенгайтириш билан бирга катта тарбиявий кучга ҳам эгадир»

Шу долзарб вазифаларни амалга ошириш учун бўлажак педагогларнинг ўзлари ҳам тасвирий санъат бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишган бўлишлари керак. Уларнинг билимларини яна ҳам юқори даражага кўтаришда ижодий кўргазмаларнинг роли беқиёсдир. Факультетнинг ўқув аудиторияларида студентлар кўргазмасининг очилиши анъанавий ва энг қизиқарли тадбирлардан бирига айланиб қолган. Шу кунларда намойиш этилаётган навбатдаги кўргазма уларнинг шонли Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейига муносиб совғаларидир.

Кўргазма ранго-ранглиги, тематикасининг бойлиги ва кенг мазмунга эга эканлиги билан ҳам томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Экспозициядан О. Иноятовнинг «Гуллар» натюрморти, Ф. Нурбобоевнинг «Тоғ манзараси», О. Константиновнинг «Иссиқ кун» каби ижодий ишлари ҳам муносиб ўрин олган. Айниқса, Б. Бахриддиновнинг «Пионер», «Нигора» портретлари ва қатор график ишлари ҳамда К. Раҳмоновнинг «Укам», «Ёш ижодкор», «Умр», «Мусобақадошлар» каби тематик мазмунга эга бўлган композицияларн ва ёрқин рангларда ишланган натюрмортлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Яқинда шу кўргазманинг умумий муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда қатнашган факультет профессор-ўқитувчилари, турли курс талабалари, факультет қошида ташкил этилган тасвирий санъат тўгарагига қатнашувчи мактаб ўқувчилари кўргазмадан олган таассуротлари, фикр ва мулоҳазалари, таклиф ва истаклари ҳамда ёш рассомларнинг ютуқлари ҳақида гапирдилар. Таниқли ижодкор, СССР Рассомлар союзининг аъзоси, ранг-тасвир кафедрасининг катта ўқитувчиси Г. Абдураҳмонов студентлар кўргазмасининг кейинги йилларда анча яхши йўлга қўйилганлиги ва факультетда анъанага айланиб қолганлиги ҳақида гапирди. Муҳокамада қатнашган СССР Рассомлар союзининг аъзоси, факультетнинг кекса педагогларидан доцент Н. Тен, расм кафедрасининг ўқитувчиси Я. Салпинкидн, тасвирий санъат ва чизмачилик методика кафедрасининг доценти П. Одиловлар сўзга чиқиб кўргазманинг тарбиявий аҳамияти ва эстетик роли тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мунозара сўнгида, ушбу кўргазмани ташкил этишда студентларга яқиндан ёрдам берган расм кафедраси ўқитувчиси Б. Бойметов ёш ижодкорларни табриклаб, институт комсомол ҳамда студентлар касаба союз комитетлари томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқларни ва факультетнинг эсдалик совғаларини топширди.

Нозим ТОЛИПОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий-графика факультети ўқитувчиси.

ШУ ҲАФТАНИНГ ПРЕМЬЕРАЛАРИ

ТЕАТР

Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали драма театрида 8 май куни соат 19 да «Олифта» спектаклининг премьераси бўлади. Драматург Фарҳод Мусажоновнинг бу комедиясида олий ва ўрта махсус ўқув юртларнин битирган ёш мутахассисларнинг қишлоққа борнб ишлашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Пьесада ҳаётнинг машаққатлари ва қувончлари, ёшларнинг янги жойда қандай қабул қилинишн ҳақида фикр юритилади.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА

Ҳамза районининг маданият муассасаларида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бадиий ва техника ижодкорлиги кўрик-фестивали 4 майдан 10 майгача давом этади. 10-музика мактаби, 149- ва 151-ўрта мактабда М. Қориёқубов номидаги концерт-филармония бирлашмасининг торли квартети концерти бўлади. Пионерлар уйида эса совет композиторларининг камер музикаси асарлари янграйди. Бу ерда ҳаваскор гулчиларнинг коллекциялари намуналари кўргазмаси ҳам очилади. 69-ўрта мактаб биносида ўтказилаётган «Ташсельмаш» заводи ишчилари учун аталган тематик кеча «Биз меҳнат кишиларини эъзозлаймиз» деб аталган.

5 май куни «Ровесник» маданият уйида «Мавсум модаси» деб аталмиш тадбир ўтказилади. Бу музикали театрлашган кеча моорнф муассасаларининг ходимларига аталган. Тошкент қоғоз фабрикасининг клубида район ёш рассомларининг «Биз қуёшнинг расмини чизамиз» асарлари кўргазмаси очилади. Лисунов номидаги кинотеатрда томошабинлар театр ва кино артистларини кутиб оладилар. Бу ерда матбуот кунига бағишлаб деворий газеталарнинг кўрик кўргазмаси ҳам бўлиб ўтади.

6 май куни 21-болалар уйида бўладиган концертда республика эстрада-цирк санъати студиясининг педагоглари ва ўқувчилари қатнашадилар. Бу тадбирда СССР композиторлар союзи аъзолари ҳам иштирок этишади.

Авиасозлар маданият ва техника саройида 10 май куни соат 14 да педагог С. П. Мансуровнинг шахсий коллекцияси сақланаётган картиналар кўргазмаси очилади. Экспозицияда рассомлардан А. Жильцова, А. Жиюоедов, В. Неклюдов, Д. Махотин, Ф. Перова, Ю. Талдикин ва бошқаларнинг асарлари қўйилади. Соат 15 да катта залда республика болалар уйлари тарбияланувчилари ва ходимлари билан бўладиган учрашувда музика ва қўшиқлар ҳам янграйди. Унда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, 22-болалар уйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина қатнашади.

Шу куни соат 20 да сарой олдидаги майдонда «Октябрда туғилган ягона онла» шори остида ўтказилаётган кўрик фестиваль тантанали ёпилади.

КИНО

4 майдан 10 майгача шаҳримиз кинотеатрларида 120 дан ортиқ бадиий фильмлар кўрсатилади. Ғалаба кунига бағишланган тематик намойишлар барча кинотеатрларда ташкил этилмоқда. 8 май куни Санъат саройида катта байрам кино программаси «Ғалаба куни», «Москва» кинотеатрида «Бу кунларнинг шуҳрати сўнмайди» фильмлари намойиш этилади. 7—8 май кунлари «Фестиваль» кинотеатрида «Мангу жанг» ҳам ўтди», 9—10 майда «Бир сурат тарихи», Лисунов номидаги кинотеатрда «Она хотираси», «Звезда Востока» клубида 6—7 май кунлари «Жаннатдан икки қадам нарида», 8—10 майда «Онажон, мен тирикман!» фильмлари кўрсатилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Бу ҳафтада марказий телевидение орқали бир қатор қизиқарли кўрсатувлар, суҳбатлар, қизиқарли бадиий фильмлар намойиш этилади.

«Қирғоқ» фильм-спектаклида гражданлик, виждонийлик, хотира ҳақидаги масалалар қамраб олинган. Спектакль таниқли совет ёзувчиси Юрий Бондаревнинг шу номли романи асосида қўйилган. Режиссёр — постановкачи В. Андреев. Фильм СССР Малий театрида саҳналаштирилган спектакль асосида суратга олинди. Унда артистлардан Ю. Соломин, В. Кенигсон, Н. Кориненко ва бошқалар банд бўлганлар.

«Газета интервью беради»... кўрсатуви бугунги кунда мамлакатимизда 11 миллион нусхадан ортиқ ҳажмда чоп этилаётган «Правда» газетаси ташкил этилганлигининг 75 йиллиги ва совет матбуоти кунига аталган.

«Йирик планда — инсон» кўрсатувида Улуғ Ватан уруши йилларида қўлга қурол ва кинокамера олиб жанг майдонларини босиб ўтган фронтчи кинооператорлар ва улар суратга олган 3,5 миллион метр плёнка лавҳалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!



ГУМ: пахмоқ, жаккард оддий жун каноп тўқимали (болалар учун), **ёзги одеялларни ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Одеялларнинг катталиги ва гуллари хилма-хил. Баҳоси — 5 сўмдан 54 сўм 50 тийингача.

Одеялларни ГУМнинг 2-қаватидан харид қилишингиз мумкин.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.



КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

ТОПШИРИЛГАН МАКУЛАТУРА ҲИСОБИГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА БЕРИЛГАН АБОНЕМЕНТЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ТУГАМОҚДА.

А. Беркеши. **«Перстень с печаткой».**
Т. Драйзер. **«Сестра Керри».**
П. Мериме. **«Новелли».**
Ш. де Костер. **«Легенда об Уленшпигеле».**
Л. Кассиль. **«Улица младшего сина».**
В. Гюго. **«93-й год».**
Ж. Верн. **«Пятнадцатилетний капитан».**

«СКАЗКИ ЗАРУБЕЖНИХ ПИСАТЕЛЕЙ».

С. Чапигин. **«Степан Разин».**
«1001 ночь» (4 томлик)
С. Томпсон **«Рассказы о животных».**

КИТОБЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА СОТИБ ОЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

ДИҚҚАТ!

Фарҳод кўчаси бўйлаб иссиқлик трассаси қурилиши олиб борилиши ва кўчанинг бир қисмида транспорт ҳаракати тўхтатилиши муносабати билан Қатортол кўчасидан Ғафур Ғулом кўчасигача бўлган участкада

4 МАЙДАН БОШЛАБ

фақат маршрут бўйича қатновчи пассажир транспорти ҳаракатига рухсат этилади,

бошқа транспорт воситаларининг юқорида кўрсатилган участкани айланиб ўтиши Волгоград, Ғ. Ғулом, Қатортол кўчалари бўйлаб ташкил этилади.

«ТАШИНЖСТРОЙ» трестининг 10-ихтисослашган бошқармаси.

Колхозлар ва совхозлар, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда овчилар

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ОВЧИЛАР ВА БАЛИҚЧИЛАР ЖАМИЯТИ

ТУРЛИ ЙИЛЛАРДА ЧИҚАРИЛГАН БАРЧА СИСТЕМАДАГИ ОВ МИЛТИҚЛАРИ (жумладан чет элда ишлаб чиқарилган) НИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

УСТАХОНА ОЧДИ

Устахонада ишлайдиган юқори малакали мутахассислар ремонтнинг юқори сифатли бўлишига кафолат беришади.

Устахона адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги майдони (собиқ 34-мактаб биноси).

«Вега-109-стерео» электрофони



Такомиллаштирилган акустик системали, товуш тебранишларини «тиниқлаштирувчи» фильтрлар каби афзалликларга эга.

Овоз таратиш доираси — 50 герцдан 1800 герцгача.

Ҳар бир каналнинг энг юқори қуввати — 2x15 вт.

Стереотелефон, радиоприёмник, магнитофонни улаш имкониятлари кўзда тутилган.

Баҳоси — 310 сўм.

БЕРДСКДАГИ «ВЕГА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Восход» — тежамли мотоцикл



«ВОСХОД» МАРКАЛИ МОТОЦИКЛЛАР 100 км ЙЎЛИГА АТИГИ 4,4 ЛИТР ЁНИЛҒИ САРФЛАЙДИ. БУ МОТОЦИКЛЛАР ЕНГИЛ, ИХЧАМ, БЎЛИБ, СОАТИГА 105 КИЛОМЕТРГАЧА ТЕЗЛИКДА ЮРА ОЛАДИ. ТУРИСТИК САФАР ВА САЁҲАТЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.

«ВОСХОД-3М» ана шу мотоцикларнинг базавий модели. Унда шатуннинг юқори қаллагига игнасимон роликли подшипник, рулига замонавий чироқ переключатели, орқани кузатувчи иккита қўзгуси, олдинги амортизаторларга резина ҳимоя ғилофлари ўрнатилган.

«ВОСХОД-3М —ТУРИСТ» узоқ сафарлар учун мўлжалланган. Икки ёнидаги сумкали багажниклар ва орқадаги багажникка барча зарур анжомларни жойлаш мумкин. Бу мотоцикл, шунингдек ёнилғи баки устидаги сумка-планшет ва ёйсимон, хавфсизлик тўсиғи билан жиҳозланган.

«ВОСХОД-3М—ЛЮКС»— мўътадил ва тропик иқлим шароитида, турли қопламали йўлларда юриш учун мўлжалланган. Конструкциясининг ўзига хослиги шундаки, унга ҳайдовчи қарши ҳаво оқимидан муҳофаза қилувчи пластмасса тўсқич, ҳимоя ғилофисиз енгил олдинги вилка, хавфсизлик тўсиғи ўрнатилган.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-КОМЕРЦИЯ БИРЛАШМАСИ.

Баҳорги либослар

ПОЙТАХТНИНГ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН КРЕПДЕШИН, ШИФОН, АЦЕТАТ ШОЙИ, ХОНАТЛАСДАН ТИКИЛГАН МОДАЛИ ХАРИР КЎЙЛАКЛАРНИ (размери — 44 дан 62 гача, баҳоси — 13 сўмдан 62 сўмгача), КАТАК-КАТАК ГУЛЛИ, ЖИНСИ, ВЕЛЬВЕТ ЮБКАЛАРНИ (размери — 44 дан 50 гача, баҳоси — 18 сўмдан 70 сўмгача), ЗИҒИР ПАХТА ТОЛАСИ ВА ТРИКОТАЖ МАТЕРИАЛДАН ТИКИЛГАН БЛУЗКАЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ. Блузкалар кашта билан безатилган (размери —44 дан 52 гача, баҳоси — 12 сўмдан 31 сўмгача).



Сиз баҳор либосларига мос МАРЖОНЛАР, ШЛЯПАЛАРНИ ҳам танлашингиз мумкин.

Чехословакияда ишлаб чиқарилган чиройли ўзига хос шаклдаги узун ва қисқа ранг-баранг МАРЖОНЛАР сотувга қўйилган. Баҳоси — 5 сўмдан 18 сўмгача.

ШЛЯПАЛАР пўхол ва капрондан тайёрланган. Соябони кенг ёки кичик бўлиб, рангли лента, гулдор билан безатилган (размери— 55 дан 58 гача, баҳоси— 2 сўмдан 3 сўмгача).

ЦУМ (телефон 56-77-90).

«Павлинка» буюртмангизни адо этади»



МИНСКДАГИ «ПАВЛИНКА» ФИРМА МАГАЗИНИ БУЮРТМАЛАР АСОСИДА БЕЛОРУС ХАЛҚ УСТАЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ БУЮМЛАРИНИ СОВҒАБОП ТЕРМАЛАР ҲОЛИДА ЖЎНАТАДИ:

кашта билан безатилган, зиғир толасидан тўқилган кўйлаклар, халатлар, юбкалар, блузкалар, фартуклар;
ёлланг ва болалар тўқима шапкачалари (шарфлари билан);
болалар учун зиғир толасидан тўқилган ёрқин ёпиштирма гулли ва каштали кўйлаклар, халатлар, сарафанлар;
шойи камзуллар;
зиғир толали дастурхонлар ва қўл сочиқлар (терма);
чойшаб, ёстиқ жилди комплектлари;
меҳмонхона комплектлари (креслолар ва диванлар учун ёпқичлар);
каштагулли ва тўқима сочиқлар;
жаккард усулидаги ва тўқима чойшаблар;
чой ва кофе учун қўл сочиқлар комплекти;
ёғоч, зиғир похол, қамишдан ясалган белорус халқ совға буюмлари;
паннолар ва қутичалар;
тўр тўқилган ёқалар, қадама енглар, қўл сочиқлар;
Буюмлар рўйхати ва уларнинг қиймати 22-61-17 телефон ёки хат орқали олдиндан келишиб олиниши керак.

Буюртмаларни мазкур адресга йўлланг: 220050, Минск, Ленин проспекти, 19-уй, «Павлинка» магазини. Уни жўнатиш пайтида ўз адресингиз ёзилган конвертни қўшиб юборишни унутманг.

Буюртмалар Минск шаҳар Давлат банкининг Марказий бўлимидаги 92376503 расчёт счётига тегишли пул ўтказилгандан кейин бажарилади.

БЕЛОРУССИЯ ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ БАДИЙ САНОАТ БОШҚАРМАСИНИНГ «ПАВЛИНКА» МАГАЗИНИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

БУТУНИТТИФОҚ «ИЗОТОП» БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО БЎЛИМИНИНГ

НАМОЙИШЛАР ЗАЛИ

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИНИ

БЎЛИМ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ

МУНТАЗАМ ИШЛАБ ТУРУВЧИ

КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

КЎРГАЗМАГА ЖУМЛАДАН, ТЕХНОЛОГИЯ НАЗОРАТИ РАДИОИЗОТОП АСБОБЛАРИ, ГАММА-ДЕФЕКТОСКОП АППАРАТЛАРИ, ДОЗИМЕТРИЯ ВА РАДИОМЕТРИЯ АСБОБЛАРИ, ЭЛЕКТРОН-ФИЗИК АППАРАТУРАЛАР, РАДИАЦИЯДАН ҲИМОЯ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, ШАХСИЙ МУҲОФАЗА ВОСИТАЛАРИ ҚЎЙИЛГАН.

Намойишлар залида бўлим етказиб бераётган маҳсулотларнинг техник характеристикаси, турли корхоналарда радиоизотоп асбобларидан фойдаланиш билан таништиш, Бутуниттифоқ «ИЗОТОП» бирлашмаси ва унинг территориал бўлимлари фаолияти ҳақида обзорли лекциялар тинглаш мумкин.

Дам олиш кунлари — шанба, якшанба.

Адрес: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Марказ квартали, 6-«а» уй (6, 11, 12, 13, 19-троллейбуслар; 3, 34, 50, 54, 75, 79, 49-автобусларнинг «Шуҳрат» мактаб-магазини» бекати). Справкалар учун телефон 76-23-80.

ДИҚҚАТ!

«ТАШПЛОДООВОЩЧПРОМ» ИХТИСОСЛАШГАН САНОАТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

ЧАКАНА НАРХЛАРИ ЎЗГАРГАНЛИГИ

ҲАҚИДА

ХАБАР ҚИЛАДИ

(1 кг. учун сўм, тийин ҳисобида).

	ЭСКИ БАҲОСИ	ЯНГИ БАҲОСИ
БАРРА КЎК ПИЁЗ	0-23	0-18
РЕДИСКА (барги билан)	0-17	0-10
ЯНГИ КАРАМ	0-60	0-50
ЯНГИ ПОМИДОР	2-70	2-36
ЙИРИК ЯНГИ БОДРИНГ	2-10	1-50
МАЙДА ЯНГИ БОДРИНГ	2-10	1-76
УКРОП, ПЕТРУШКА, КИНЗА, СЕЛЬДЕРЕЙ	1-60	1-10
ЛАВЛАГИ БАРГИ БИЛАН	0-17	0-16
БАРРА КЎК САРИМСОҚ ПИЁЗ	0-90	0-79

Справкалар учун телефон 53-32-49.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

4 МАЙДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРИ

ЭКРАНЛАРИГА

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи — В. КУНИН.

Режиссёр — Н. ТРЕШЕНКО.

Ролларда: В. ГЛАГОЛЕВА, А. АБДУЛОВ, Е. ПОПОВА ва бошқалар.

Машҳур совет кинодраматурги А. Каплернинг **«Ингирма миллиондан икковлон»** повести асосида суратга олинган.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«Олмос» ёрдам беради

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 37-КОМИССИОН ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНИ ҚУЙИДАГИ БУЮМЛАРИНГИЗНИ СОТИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ:



олтин ва кумушдан ясалган заргарлик буюмларини;

чинни ва кумушдан ясалган ошхона анжомлари, чой, кофе термаларини;

қимматбаҳо металлар, чинни ва ярим қимматбаҳо металлар, чинни ярим, қимматбаҳо тошлардан ясалган ҳай калчаларни;

қадимги расмлар, гобеленлар, гиламларни;

қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, ақиқ, сердолик, малахитдан ясалган маржонларни;

турли катталикдаги табиий дурларни;

зажигалкалар, авторучкаларни (чет элники);

қадимги девор, стол соатларини, полга қўйиладиган соатларни, чет элларда ишлаб чиқарилган қўл соатларини;

қадимги биллур қандилларни;

қадимги миллий рўзғор идишлари (обдаста, мис қозон, мис баркаш, мис жомларни).

Магазиннинг адреси: Тошкент шаҳри, Ленин проспекти, 40-уй (метронинг «Космонавтлар проспекти» станцияси).

Иш вақти — соат 10 дан 19.00 гача, танаффус 14 дан 15.00 гача, дам олиш куни— якшанба.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 56-43-50).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/V да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Куёв.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/V да **Хотиннинг эри.**

Кино

4 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-44), **Чайка** (16 21.00; телефон 77-06-20).

«ТРЕМБИТА» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ДЕНГИЗ ҚУШИҒИ»—**Нукус** (16, 20, 21.30; телефон 46-70-69).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» —**Москва** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 33-05-01).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» **Қозоғистон** (17.00; телефон 35-24-92).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ» — **Восток** (16, 18.30, 21.00).

«МЕНИНГ СЕВИМЛИ ЭРКАТОЙИМ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (21.00).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ»—**М. Шайхзода номли** (16, 18.30, 20.45).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ» —**Фестиваль** (21.20).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Хива** (21.20).

«БОРИС ГОДУНОВ» —**Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

5 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-44), **Чайка** (13.30, 16, 21.00; телефон 77-06-20).

«ВИЙ» — **Чайка** (10.30, 12.00; телефон 77-06-20).

«ТРЕМБИТА» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ДЕНГИЗ ҚУШИҒИ»—**Нукус** (12, 16, 20, 21.30, телефон 46-70-69).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» —**Москва** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 33-05-01).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» **Қозоғистон** (11, 13, 17.00; телефон 35-24-92).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ» — **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«МЕНИНГ СЕВИМЛИ ЭРКАТОЙИМ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (13, 21.00).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ»—**М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ» —**Фестиваль** (21.20).

ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Хива** (21.20).

«БОРИС ГОДУНОВ» —**Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА» **аттракционининг гастроллари** (5/V да 19.30 да).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР АТРОФИДА ҚАТНОВЧИ ТОШКЕНТ-ҲОЖИКЕНТ, ҲОЖИКЕНТ-ТОШКЕНТ, ТОШКЕНТ-ЧИРЧИҚ, ЧИРЧИҚ-ТОШКЕНТ ПОЕЗДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ЎРТОҚЛАР!

«ШУМИЛОВО» СТАНЦИЯСИДАН— «ҚИЗИЛТЎҚИМАЧИ» СТАНЦИЯСИГАЧА **бўлган участкадан контакт тармоғи донмий кучланиш ўзгарувчан кучланишга ўтказилганлиги муносабати билан**

4 МАЙДАН БОШЛАБ

ЭЛЕКТР ПОЕЗДЛАР «ТОШКЕНТ-МАРКАЗ II Й» СТАНЦИЯСИГА КИРМАСДАН «САЛОР» СТАНЦИЯСИГА КЕЛИБ ТЎХТАЙДИ ВА ШУ ЕРДАН ЖЎНАБ КЕТАДИ.

ТОШКЕНТ ПАССАЖИРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ДИРЕКЦИЯ (телефон 99-72-00).

Акмал Икромов районидаги Власов номли 229-мактаб томонидан **Миркаримова Махсума** номига берилган 123150 номерли йўқолган 8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сирдарё область Оқолтин район «Фарғона» қишлоқ хўжалик техникуми томонидан **Юсупов Абдусаттор Адиловичга** номига берилган ЗТ— №922763 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ оқшоми
Газета ўзбек ва рус тилларида мустақил бир йилда 300 марта чиқади.
«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик реданцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.
Р.—12727. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2116. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.